Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (13.258)

Баҳоси эркин нархда

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг бир қатор туманларида бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли мавзелари, кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишларининг ҳолати билан бевосита танишди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида бошланган Тошкент шаҳрини ҳар томонлама гўзал ва обод этиш, замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини барпо қилиш, миллий меъморчилик ва шаҳарсозликнинг энг илғор тажрибалари, услуб ва янгиликларини қўллаган ҳолда, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бугунги кунда изчил давом эттирилмоқда.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бўлиб, Бунёдкор шоҳкўчаси ва Муқимий номидаги кўча чорраҳасида бунёд этиладиган, узунлиги 600 метр бўлган 6 қаторли йўлўтказгичнинг қурилиш жараёни билан яқиндан танишди.

Шунингдек, Юнусобод туманини Мирзо Улуғбек тумани билан боғлайдиган янги йўл барпо этиш, бунда Янги шаҳар кўчасини Боғишамол кўчаси билан туташтирадиган 1 минг 100 метрдан иборат янги автомобиль йўли ҳамда Бўзсув канали устида қуриладиган 510 метрли кўприк лойиҳалари бевосита жойида атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу объектларда қурилиш ишларини 2017 йил март ойида тўлиқ ва сифатли якунлаш юзасидан зарур чоратадбирларни амалга ошириш тўғрисида топшириқлар берилди.

Юнусобод туманидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишув давомида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг кўрсатмаларига биноан Тошкент метрополитени йўлларини замонавий йўлсозлик ва туннелсозлик технологияларини жорий этиш орқали давом эттириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Юнусобод йўналишидаги 2 та бекатда қурилиш ишларини якунлаш, янги ер ости ва ер усти тезюрар метро йўналишлари қурилишини лойиҳалаштириш масалалари юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Юнусобод тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимликлари, бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари ва фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларни ҳамда ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш, турар жойлар йўлакларини аҳоли учун ҳар томонлама қулай тарзда таъмирлаш, ён-атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳалла ва мавзе ҳудудларида озодаликни таъминлаш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш ишлари атрофлича ва танқидий таҳлил қилинди.

Шунингдек, аҳолига янада замонавий шароитлар яратиш, савдо маданиятини ошириш, савдо мажмуаларида оилалар ва болаларнинг дам олиши учун қулайликларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида паспорт-виза режимига риоя қилиниши ҳамда уй-жой фондидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича Идораларо комиссия аъзоларининг ҳисоботлари тингланди.

Бу борадаги ишларни тизимли равишда давом эттириш, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари ва бошқа масъул ходимлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Иш фаолиятида мунтазам қолоқлик ва жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шомансур Аҳмедов ҳамда Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Саидакбар Пўлатов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Туманнинг бир қатор мутасадди идоралари раҳбарлари – прокурор Тимур Нормуҳаммедов, давлат солиқ инспекцияси раҳбари Абдурауф Каримов жиддий огоҳлантирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва туманлар раҳбарияти зиммасига қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, кузги-қишки мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган дастурларни ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга ошириш вазифаси юклатилди.

ЎзА

ПАРТИЯЛАРНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

2016 йил 16 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Пленумда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иштироки, Президентликка партиядан номзод кўрсатиш ҳамда партиянинг навбатдаги Съездини чақиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг уставида партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Пленумда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод кўрсатиш таклифи кўриб чиқилди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов номзодини қўллаб-қувватлади.

Сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия томонидан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи – Съезди томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, Пленумда жорий йил 15 октябрь куни партиянинг навбатдаги V Съездини чақириш ва бу масалани Съезд муҳокамасига қўйишга келишиб олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат олиш учун партия томонидан тегишли ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

* * *

Шу йил 16 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Мажлисда 2016 йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партиянинг фаол иштирок этиши алоҳида таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари мазкур сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг номзоди ҳақидаги масалани ҳам атрофлича муҳокама қилдилар. Жойлардаги сайловчилар ва электорат хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, партиянинг навбатдаги VIII Съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24^2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, мажлис қатнашчилари томонидан партиянинг навбатдаги Съездини 2016 йил 14 октябрда ўтказишга келишиб олинди.

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг сайловлардаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, жойларда ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик борасида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

* * *

2016 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги VI Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги вазифалар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод кўрсатиш, Ўзбекистон ХДПнинг X Қурултойини чақириш ва унинг кун тартиби, партия қурултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Пленумда сиёсий партиялар учун яратиб берилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, партиянинг дастурий мақсад ва ғоялари ҳамда унинг электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги асосий масала – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи ҳам алоҳида муҳокама қилинди.

Бу борада партия электорати, тарафдор ва фаоллари томонидан тавсия этилган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Абдурахмонович Кетмонов партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиянинг Қурултойида кўриб чиқиш учун номзод сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон ХДПнинг X Қурултойини жорий йилнинг 14 октябрь куни чақириш ва унинг кун тартиби ҳамда партия Қурултойига вакиллик меъёри ва уларни сайлаш тартиби каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар томонидан сайловолди тарғиботи давомида партия ташкилотлари ва фаолларининг самарали иш юритиши, қонун билан белгиланган ваколатларни тўла ишга солган ҳолда, биринчи навбатда юртимиздаги мазкур муҳим сиёсий жараёнлардан аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларининг сифати ва самарадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Билдирилган таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши VI Пленуми тегишли қарорларни қабул қилди.

* * *

2016 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон "Адолат" Социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партиянинг муносиб иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Партия Сиёсий Кенгаши аъзолари Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканини қайд этди.

Ўз навбатида "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ўзида аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда бўлажак сайлов партия ғояларини яна бир бор сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиш, партиядан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловолди дастури орқали электорат манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш имконини бериши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Мазкур масалада, партия электорати ва тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, Сиёсий Кенгаш раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаров номзодини партиянинг навбатдаги VIII Қурултойида кўрсатиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Партиянинг ушбу сайловда иштироки билан боғлиқ масалалар унинг олий органи – Қурултойида ҳал қилинишидан келиб чиққан ҳолда мажлис қатнашчилари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги VIII Қурултойини 2016 йилнинг 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилишини белгилаб олди.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини кучайтириш, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

ЎзА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари – БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

БМТ янгиликлар маркази хабар қилишича, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтақамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритган.

Пан Ги Мун Президент Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирган.

– Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазифаларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, – деди Пан Ги Мун.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга икки бор расмий ташриф билан келганини, халқимизнинг самимиятини ҳис қилганини қайд этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига 25 йил тўлди. Бир пайтлар Президент Ислом Каримов айтганидек, халқ манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат ривожининг устувор йўналишига айланди, деб таъкидлаган Пан Ги Мун. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган фундаментал ислоҳотларга ҳисса қўшиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ниятида собитлигини билдирган.

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи – Осиё, Африка, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаганини эътироф этган.

Қозоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдрахманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисўз лидер, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадраҳимов ватандошларимиз учун оғир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислом Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди, дея таъкидлаган.

Аввалроқ, 6 сентябрь куни Ислом Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонганидан далолат беради.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ, 2016 йил 21 сентябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш тўғрисида;

– Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил 1-ярим йиллик якунлари ижроси тўғрисида;

– Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ва бошқа масалалар.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилояти Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси "Саломатлик – 3" лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Германиядан келтирилган "Лор-комбайн" аппарати нафас олиш аъзолари хасталикларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш имконини берса, бошқа жиҳозлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширади.

• Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи- қизлари ўртасида "12 йиллик мажбурий таълим – менинг саодатим" шиори остида "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Бухорода "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят меҳнат бошқармаси, Навоий шаҳар ва Кармана тумани ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

• Аргентиналик тадқиқотчилар Камподель-Сьело ҳудудида оғирлиги 30 тонна келадиган метеорит борлигини аниқлади. Айни вақтда ушбу ноёб самовий жисмнинг Ерга тушиши билан боғлиқ сабаблар ўрганилмоқда.

• Японияниг "NEC" корпорациясида янги ходимларни ишга қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида "қабул тизими"ни соддалаштиришга оид махсус дастур ишлаб чиқилди. "Hi-News" манбасида ёзилишича, дастур ходимнинг ишга қабул қилинишидан олдин компьютер билан интерактив мулоқотга киришишни назарда тутади. Яъни, номзодга электрон резюме тақдим этилади ва якунда жавоблари таҳлил қилинади.

Пойтахтимизда "Жамоатчилик назорати – давлат бошқарувида иштирок этишнинг шакли сифатида: миллий амалиёт ва халқаро тажриба" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил инс-титути, Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат идоралари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, миллий ва халқаро экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Бафоев, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори С.Хўжаева, Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Х.Кифер ва бошқалар Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли юксалгани, бу жамиятда демократия тамойилларини қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Концепция асосида ўтган давр мобайнида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти тобора кенгаймоқда.

Конституциямизга киритилган тузатишларга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди. Улар фуқароларнинг ахборот олиш, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият ишларини бошқариш бўйича конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат назорати тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир. Мазкур қонун лойиҳасида жамоат назорати тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг субъектлари аниқ ифода этилган. Жамоат назорати шакллари, уни амалга ошириш механизмлари белгиланган. Қонун лойиҳасида, шунингдек, давлат органларининг жамоат назоратини амалга оширишдаги мажбуриятлари ҳам белгиланган жамиятимизда демократия тамойилларини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давридан ўзига хос тараққиёт модели танланган, – дейди ЎзА мухбирига германиялик эксперт Г.Велинг. – Бу жараёнда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор бўлгани ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани амалда ўз исботини топмоқда. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ННТларнинг асосий фаолият йўналишига айланган. "Жамоат назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу ишларни янада такомиллаштириш, мамлакатингизда ислоҳотларни изчиллик билан давом эттиришга замин бўлади.

Халқаро семинарда жамоат назоратини амалга ошириш бўйича миллий ва хорижий тажриба, Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг жамоатчилик назорати ривожланишини таъминлашдаги ўрни, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятига оид маърузалар тингланди. Гуруҳларга бўлиниб ўтказилган машғулотларда жамоатчилик назоратини юритиш бўйича ҳуқуқий асослар ва амалий ишлар, Ўзбекистон, Германия ва бошқа мамлакатлар тажрибаси юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

Б.ХИДИРОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

МЕҲНАТСЕВАР ВА ИБРАТЛИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан ихтисослаштирилган бошқармалар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ишчи-ходимлари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов якунлари эълон қилинди.



Тадбирда мустақиллик йилларида пойтахтимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Замонавий мавзелар, кўркам иншоотлар, кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар бунёд этилди. Кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарни янада яшнатиб юборди.

Айниқса, кўча ва йўл бўйларига манзарали дарахтлар, гуллар экиш, кўкаламзорлаштириш ва йўл иншоотларини тартибга келтириш ишлари таҳсинга сазовордир. Бунда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларининг хизмати катта. Ушбу тизимда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли шаҳримиз янада ободонлашмоқда, чирой очмоқда.

Мазкур танлов ободонлаштириш тизимида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб, пойтахтимизнинг янада кўркамлашишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фидойи ишчи-ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Пойтахтимиздаги марказий сайилгоҳни ободонлаштириш ишларида ўн саккиз йилдан буён меҳнат қиламан, – дейди танлов ғолиби Гулчеҳра Ёқубова. – Меҳнатим самарасида қиз узатдим, ўғил уйлантирдим. Танловда биринчи ўринга лойиқ топишганидан хурсандман. Бу ютуқ мени келгусида янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Танловда пойтахтимизда ободонлаштириш, тозалаш, кўкаламзорлаштириш ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ишчи-хизматчилар, фидойи ва ибратли аёллар фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг ҳудудий босқичлари ғолиблари учун ташкил этилган ўқув-семинарларида фаол иштирок этган ёшлар тақдирланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Иброҳим Жўраев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги маслаҳатчи-элчиси ва бош консули Цой Чжон-Хо, "Samsung Electronics" компаниясининг юртимиздаги бош ваколатхонаси бошлиғи Мин Шин Вунг ва бошқалар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида улкан салоҳиятга эга етук мутахассислар тайёрлаш, иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшадиган миллий дастурий маҳсулотлар бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Миллий манфаатларга мос, ҳар томонлама фойдали сайтлар яратилаётгани, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани миллий интернет сегментини бойитиш, соғлом ахборотлашган жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

"Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг ҳудудий босқичлари ғолиблари учун ташкил этилган ўқув-семинарларда иштирокчиларнинг ахборот технологиялари ва ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасидаги билим ва тажрибаси янада оширилди.

Иштирокчилар бир ҳафта давомида "Samsung Employee Volunteer Program" таълим дастури бўйича компания ходимларининг илғор тажрибасини ўрганди. Маҳорат сабоқлари Жанубий кореялик инженерлар кўмагида тўрт йўналишда ташкил этилди. Жараёнда ёшларнинг Android платформасига иловалар яратиш, виртуал ҳаёт иловалари, Raspberry Pi микрокомпьютерлар ва 3D моделлаштириш учун дастурлар ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳалари такомиллаштирилди.

– Android платформаси асосида ишловчи чиқиндиларни йиғиш технологиясини ишлаб чиқдик, – дейди ЎзА мухбирига "Clean Car" гуруҳи аъзоси Достон Юсупов. – Биз яратган машина Android телефонлари ёрдамида масофадан бошқарилади. Бундай тадбирлар биз каби ёшларнинг юқори технологиялар ва уларни дастурлаш соҳасидаги билим ва салоҳиятимизни янада бойитишга хизмат қилади.

Тадбирда ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши деб топилган лойиҳалар тақдимот қилинди. Беш нафар фаол иштирокчи диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг финал босқичи жорий йил ICTWEEK Uzbekistan – 2016 ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади.

Дилшод КАРИМОВ

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондида "Тинчлик йўлидаги озиқ-овқат ёрдами" дастури доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова ва бошқалар мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари ҳақида сўз юритди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак, озиқ-овқат, ногиронлик аравачалари, спорт инвентарларидан иборат мурувват ёрдамларини топшириб бир қатор хайрли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди "Recource and Poliy exchange" (АҚШ) халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда 2009 йилдан буён қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур ташкилот томонидан юборилган витаминлар билан бойитилган маҳсулотлар республикамиздаги 118 та тиббий-ижтимоий муассасаларга топширилди.

– "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш, туғма ва орттирилган хасталиклар билан касалланган болаларни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббосжон Эргашев. – Жумладан Жанубий Корея, Германия, Финландия, Сингапур давлатларидаги бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан фонднинг ҳамкорлиги самарали кечмоқда. Мазкур халқаро ташкилотларнинг вакиллари юртимиз шифокорлари иштирокида жойларда соғломлаштириш акцияларини ташкил этмоқдалар натижада, оналар, болалар ва кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Энг асосийси фонд аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ғамхўрлик қилиб хайрли ва саховатли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунда юқорида номлари қайд этилган ҳамкор ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар натижалари хусусида ҳам сўз юритилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Жорий йилнинг 12-15 сентябрь кунлари Россиянинг Москва шаҳрида "Food Moscow – 2016" озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.

Бу жараёнда Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим роль ўйнамоқда. Жамғарма ишлаб чиқарувчиларнинг чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, харидорлар топиши ва шартномалар тузишига, экспорт жўғрофиясини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётир. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди. Озиқ-овқат товарларини аҳолига узлуксиз етказиб бериш, сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут, қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи юртимизда етиштирилмоқда.

Ишбилармонларимизнинг турли мамлакатларда ўтказилаётган халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. "World Food Moscow" кўргазмаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди.

"World Food Moscow" халқаро кўргазмасида АҚШ, Хитой, Миср, Саудия Арабистони, Бразилия, Аргентина, Нидерландия, Италия, Испания, Ҳиндистон, Арманистон, Эрон каби дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан юзлаб фирма ва компаниялар иштирок этди. Мазкур форумда озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни етиштириш ва қайта ишлашга оид энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди. Мева ва сабзавотлар, гўшт, сут, денгиз, қандолат ва нон маҳсулотлари, техника ва технологиялар каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг озиқ-овқат соҳасида иш юритувчи "Euro Food Trade", "Tasty Production", "Green Agro Invest", "Samo-Produkt", "Меҳригиё", "Ливадия-Бухоро" каби ўнга яқин хусусий компанияси ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон миллий стендида мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳияти ва имкониятлари, соҳада таклиф этилаётган хизматлар билан танишди.

Халқаро кўргазмада Ўзбекистон компаниялари турли мамлакатларнинг фирма ва компаниялари билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Тадбиркорларимиз томонидан жами икки миллион долларликдан зиёд экспорт шартномалари имзоланди.

– Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фаолиятимиз ривожида муҳим омил бўлаётир, – деди "Меҳригиё" кичик корхонаси раҳбари Ҳожиакбар Абдураззоқов (Фарғона вилояти). – 1992 йилда ташкил этилган корхонамиз шифобахш асал маҳсулотлари ва ўсимликлардан табиий, шифобахш чойлар тайёрлашга ихтисослашган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида турли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиб, маҳсулотларимизни экспорт қилмоқдамиз. "World Food Moscow – 2016" халқаро кўргазмаси биз, тадбиркорлар учун самарали бўлди. Унда кўплаб компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказдик, қатор битимлар имзоладик.

"World Food Moscow – 2016" мамлакатимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари хизматларини халқаро бозорларга таклиф этиш, хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро бозор талабларини ўрганиш имконини берди. Унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар экспорт ҳажмини ошириш ва жўғрофиясини кенгайтиришга хизмат қилади.

(ЎзА)

Ким эдигу ким бўлдик?

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРИ

Маънавиятга ҳар хил таърифлар берилган. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги мана бу таъриф алоҳида ажралиб туради: *"Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".*

Истиқлол йиллари бунинг тўлиқ гувоҳи бўлдик. Маънавият кишиларнинг сифат даражасини кўтарадиган буюк куч эканига ҳаммамиз амин бўлдик.

Яқин ўтмишга назар ташлайлик. Шўро даврида халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Узоққа бормай, ўзбек тилига муносабатни олиб кўрайлик. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисмини ўзбеклар ташкил этиши, қардош миллатлар вакилларидан иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишига қарамай, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Мақсад – халқни ўз ўзанларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тариқа унга тарихини унуттириш эди.

Муқаддас динимиз бадном қилинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зиёратгоҳ ва қадамжоларимиз топталди. Ҳолбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равнақ топади. Мустақиллик йилларида бу тўла-тўкис тасдиғини топди.

Яъни, Мустақиллик йилларида маънавият давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди. У сиёсат ва иқтисодиёт билан бақамти ҳолда ривожлантирилди. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги 7 та қонуности ҳужжати қабул қилинди:

1. *1994 йил, 23 апрель.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида".

2. *1994 йил, 8 июнь.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. "Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида".

3. *1996 йил, 9 сентябрь.* Ўзбекистон Ресупбликаси Президентининг Фармони. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида".

4. *1998 йил, 24 июль.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. *"Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида".*

5. *1999 йил, 3 сентябрь.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида".

6. *2001 йил, 18 январь.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида".

7. *2006 йил, 25 август.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. *"Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида".*

Истиқлол туфайли, аввало, маънавий эркимизни қўлга киритдик. Эрк тушунчасига эса маданий меросга муносабат ҳам киради. Маънавий меросни халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Умуман, халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғлар яратган маънавий меросни, шартли равишда бўлса ҳам, тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

– Олимлар яратган мерос.
– Бадиий ижодкорлар яратган мерос.
– Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос.
– Азиз-авлиёлар яратган мерос.

Олимлар яратган мерос ҳақида гап кетгудек бўлса, олимлар ҳаёти, фаолияти ва асарлари шўро замонида ҳам ўрганилган. Бироқ у замон мафкураси илм аҳлини иккига – реакцион ва прогрессивга ажратиб олган эди. Ана шу мафкура чигирғидан ўтганларнигина ўрганардик. Ҳатто, айримларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий ва бошқа шу каби кўплаб алломаларнинг номини ҳам эшитмаган эдик.

Истиқлол йилларида олимлардан номлари юқорида саналган зотларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси тадқиқ этила бошлади, асарлари босилиб чиқди. Айримларининг таваллуд тўйлари халқаро миқёсда нишонланди. Улар шарафига миллий анъаналар ва замонавийлик уйғунлашиб кетган қанчадан-қанча меъморий обидалар барпо этилди. Бу жойлар чинакамига муқаддас зиёратгоҳларга айланди.

Бадиий ижодкорлар яратган меросга шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, бастакорлар ва бошқалар бунёд этган асарлар киради. Эски тузум даврида адабиётимиз тарихи ўрганилишида ҳам яна шундай нохолис муносабат бўлган, яъни:

Биринчидан, реакцион деган тамға босилган, айтайлик, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоҳёр, Хўжаназар Ҳувайдо, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа қанчадан-қанча ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга сира рухсат бўлмаган.

Иккинчидан, прогрессив деб ўрганилган шоир, ёзувчилар ижоди ҳам фақат ва фақат шўро мафкураси манфаатларидан келиб чиқиб баҳоланган.

Номлари саналган шоир ва ёзувчиларнинг асарлари халқ қўлига фақат Истиқлол туфайлигина тегди. Уларнинг ҳаёти ва ижоди таҳлилига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди.

Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос ҳақида гап кетар экан, аввало, шуни айтиш керакки, бу тоифа буюкларимизга, синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, батамом қора бўёқлар чаплаб ташланди. Шўролар тарафидан давлат ва жамоат арбоблари, бой одамларнинг бари, қайси асрда, қандай жамиятда яшагани, миллий тарих ва тараққиётда қандай ўрин тутганидан қатъи назар, ёмонотлиқ қилинди. На Жалолиддин Мангубердини, на Амир Темурни, на Заҳириддин Муҳаммад Бобурни *мамлакатни адолат билан бошқариб, халқни тараққиёт сари етаклаган,* дея тилга олиш мумкин эмасди.

Бугун-чи? Истиқлол йилларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг таваллуд тўйлари ўтказилди, уларга маҳобатли ҳайкаллар қўйилди. Халқ бу жасур ва мард боболари билан астойдил фахрланадиган бўлди.

Азиз-авлиёлар яратган мерос ҳақида ҳам тўхталиб, шуни айтиш лозимки, шўролар мафкураси учун халқни муқаддас динидан, бу эътиқодни ҳаётий дастур қилишнинг олий даражасига эришган авлиё зотларидан маҳрум қилиш бош мақсад эди. Динга қарши кураш баҳонасида амалда миллатга қарши кураш олиб борилган.

Жафокаш халқимиз бир юз ўттиз йил мобайнида миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратида яшади. Аввал чор Россияси, сўнг эса қизил империянинг беадад зуғумларини кўрди. Чекмаган азоби, кечирмаган уқубати қолмади.

Халқнинг жаҳон тамаддуни равнақига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бағоят бой тарихи беаёв топталди. Миллат ўз кечмишидан узиб ташланди. Халқ ўз тарихи қолиб, ўзгалар тарихини ўрганишга мажбур қилинди. Миллий тарих одамларга фақат қора бўёқлар чапланган ҳолда ўргатилди.

Тарихидан ажратиб олиш учун халқ, аввало, тарихий ёзувидан маҳрум этилди, одамлар ота-боболари битиб кетган ноёб китобларни ўз кўзлари билан ўқий олиш бахтидан бебаҳра қолди.

Мустамлакачилик сиёсати тарихий шахсларга муносабатни издан чиқарди, миллатнинг ўз аждодлари билан фахрланишига, *биз шундай улуғ зотларнинг фарзандлари бўламиз,* дейишига асло йўл қўймади. Кўп улуғ одамларнинг ҳаёти ва фаолиятини истаганча қоралаб кўрсатди, айримлари ҳақида, ҳатто, оғиз очишга ҳам йўл қўймади. Халқ Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби Ватан, унинг равнақи учун курашган қанчадан-қанча улуғ зотлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби буюк аждодларининг муборак номини ҳам тилга олишга, қўрқиб яшашга мажбур қилинди.

Миллат ўзининг кўп асрлик иймон-эътиқодидан маҳрум этилди, муқаддас ислом дини ҳаддан ташқари таҳқирланди, иймонли-эътиқодли кишилар шафқатсизларча жазога тортилди.

Ўзбек миллий урф-одатлари, халқ анъаналарига қарши сурункали кураш уюштирилди. Миллийликни йўқотиш амалда замонавийлик, илғорлик тарзида улуғланди. Халқ ўз аждодлари анъаналари асосида яшаш имконига эга бўлмади.

Эски коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади. Халқни айнан ақлли, тафаккури кучли вакилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади янглиғ билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиш шиори остида мамлакатнинг не-не ақлли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари бегуноҳдан-бегуноҳ қирғин қилинди. Сўнг эса сталин қирғинлари даврида ҳам қанчадан-қанча зиёлилар бесабаб қатағонга учради. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар ана шу қатағонлар қурбонлари бўлдилар.

Баъзи сотқин кимсалар, империя малайларининг касофати билан ўтган асрнинг 80-йилларида "Ўзбеклар иши", "Пахта иши" деган сохта номлар остида Ўзбекистонга ташланган гдлянчи-ивановчи десантчилар зулмидан яна қанча одам, қанча оила азият чекди.

Таълим-тарбия, ахлоқ-одоб борасида халқнинг менталитети, асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос жиҳатлари мутлақо инобатга олинмади.

Мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими одамлар эркини бўғиб, уларда ижодкорлик, бунёдкорлик, интилувчанлик фазилатларини йўқотди, ўзбек халқи онг-шууридан Ватан тушунчасини чиқариб ташлашга ҳаракат қилди.

Истиқлол Ўзбекистон олдига мустақил миллий давлат тузиш, эски тузумдан тамоман воз кечиб, янги – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдек иккита муҳим вазифани қўйди.

Эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслиги, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ҳисобга олиб, етти ўлчаб, бир кесишга, яъни янгисини курмасдан, эскисини бузмаслик қоидасига амал қилинди.

Аввал ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, пойдеворини қуриб олишга, шу тариқа одамларнинг эски тафаккури қолдиқларидан воз кечишига эришишга ҳаракат қилинди.

Бирин-кетин талай маънавий-маърифий ютуқлар қўлга киритила бошланди.

Тарихга муносабат кескин ўзгариб, бу борада тамоман янгича муносабат шакллантирилди, ўтмишга халқнинг пойдевори, унинг келажагини таъминлаб берувчи қадрият сифатида қараладиган бўлди. Ўз тарихимизни ўзимиз ўрганишга киришдик. Тарих бугунимиз ва келажагимиз учун чинакам сабоққа айланди. *Халқнинг тарихий илдизлари қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади,* деган оқилона тафаккурга амал қилинадиган бўлди. **Истиқлол даври тарихини яратишга киришилди. Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг ёритилмаган саҳифалари ўқила бошлади.**

Тарихий меросга муносабат кескин ўзгарди. Тақиқланган қанчадан-қанча асарлар тадқиқ этилди, босиб чиқарилди, чинакам халқ мулкига айлантирилди. Бу борадаги ишлар мунтазам равишда давом эттириляпти.

Муқаддас динимиз, эътиқод эрки ўзимизга қайтди. Қуръон таржимаси, Имом Бухорийнинг сараланган тўрт жилдлик "Ҳадис"лар мажмуи, қанчадан-қанча китоблар босилиб чиқди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудлари тўйи муносабати билан меъморий мажмуалар бунёд этилди. Тошкентдаги Ҳазрати имом мажмуи таниб бўлмас даражада янги қиёфа касб этди, бу ерда янги-янги иморатлар қад ростлади. Бу муқаддас жойлар ислом оламининг энг мўътабар зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Шу тариқа ўзбек халқининг ўз улуғларини қанчалар эъзозлай олишини жаҳонга намоён қилдик.

Тилимиз тамоман янги даражага кўтарилди. Унинг давлат тили сифатидаги мавқеи ошди. Истиқлол йилларида тилимиз муттасил бойиб, такомиллашиш жараёнини бошлади.

Миллий урф-одатларимиз эркин ривожланиш йўлига кирди. Уларга миллатнинг миллатлиги, халқнинг халқлигини намоён этувчи қадриятлар сифатида қараш пайдо бўлди. Тўй-маросимларимиз, оилавий расм-русумларимиз ҳам қадим анъаналаримизга, ҳам замонага мос равишда такомиллаша боряпти.

Умумхалқ байрамлари – Янги йил, Хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Конституция қабул қилинган кун, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари мамлакатимиз ва халқимиз руҳига мос тарзда нишонланяпти. Бу байрамларда мамлакат аҳлининг бир тану бир жон бўлиб, истиқлол нашидасини сураётганини бугун жаҳон кўриб турибди.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни миллий анъаналаримиз ва бугунги илғор замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтаришга киришилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, 1997 йилдан буён уни ҳаётга татбиқ этиш жадал олиб бориляпти. Истиқлол йилларида талай янги олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари ташкил этилди, қурилди, эскилари замон талаблари асосида таъмирланди, қайта реконструкция қилинди. Бу жараён қизғин давом этяпти. Ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёнинг илғор давлатларида таълим оляпти, малака оширяпти.

Халқнинг руҳи тикланди, миллий ғурур, ватанпарварлик, фидойиликнинг мазмун-моҳияти батамом ўзгарди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиши кучайиб боряпти. Давлатимиз рамзлари – Байроқ, Герб, Мадҳиянинг аҳамияти ортиб, улар кишиларимиздаги Ватанга садоқат ҳис-туйғуларининг ифодачиси бўлиб бораяпти.

Мустақиллик йилларида маънавиятимизни тарғиб этишга қаратилган кўпдан-кўп ҳайкаллар, ёдгорлик мажмуалари ва монументлар ўрнатилди.

Мамлакатимизда маънавиятга эътиборнинг қандай ширин мевалар берганини бугун бутун дунё кўриб-билиб турибди. Буни халқаро майдонда эришаётган натижаларимиз ҳам тўла исботлайди.

Зеро, маънан етук халқни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди. Маънавият халқни халқ, миллатни миллат сифатида бирлаштиради.

Буни ҳаммамиз қалбан ҳис этиб турибмиз.

Олим МАҲМУДОВ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Пойтахтимиздаги "Toshkentland" истироҳат боғида 16 сентябрь – Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Глобал экологик жамғармаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Иқтисодий ўсиш давридаги мамлакатлар ҳудудида гидрохлорфторуглероддан фойдаланишни жадал қисқартиришнинг бирламчи бажарилиши – Ўзбекистон" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонот ва ўсимлик оламини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, узоқ муддатли давлат дастурлари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз ушбу масаланинг долзарблиги, ёш авлод саломатлигига хавф солишини инобатга олиб, 1993 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига қўшилди.

Озон туйнугининг катталашиши, ультрабинафша нурларининг инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида 2005 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Натижада мазкур маҳсулотларни импорт ва экспорт қилишни тартибга солиш, ноқонуний олди-сотдига қарши курашиш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан қатъий божхона назорати ўрнатилди. Айни пайтда совутиш, ҳаво алмаштириш, маиший хизмат кўрсатишга оид корхона ва тармоқлар мутахассислари, божхона соҳаси ходимларининг экологик билимини доимий ошириб бориш, божхона хизмати масканларига озонни емирувчи моддаларни аниқловчи детекторларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирдан кўзланган мақсад навқирон авлодга озон қатламининг саломатликка, атроф-муҳитга таъсири, уни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида тушунча беришдан иборат.

– Мамлакатимизда озонни емирувчи моддаларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига хавфини камайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи Н.Доценко. – Озон қатламига хавф солувчи моддаларни қайта ишловчи бешта марказ иш бошлади. Улар турли саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший техникаларда ишлатиладиган хавфли моддаларни қайта ишлаб, фойдаланишга топширади. Юздан ортиқ корхонага озон қатламини емирувчи моддаларни камайтирадиган ускуна ўрнатилди.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари боғ майдончасига озон қатламини асраб-авайлаш рамзи саналган озон қатламини қурди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ 2016 йил 1 октябрдан бошлаб электр энергияси учун қуйидаги янги тариф жорий этилганлигини маълум қилади.

Аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 191 сўм 00 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 95 сўм 50 тийин белгиланди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ 2016 йил 1 октябргача электр энергия истеъмолчилари фойдаланган электр энергияси учун амалдаги тариф бўйича тўловларни амалга оширишлари зарур.

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" AJ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан сотилган давлат кўчмас мулк объекти савдосининг НАТИЖАСИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Сотилиш нархи (сўмда)	Харидорга юклатилган инвестиция мажбурияти (сўмда)
1	197-сонли мактабгача таълим муассасасига туташ ҳудудда жойлашган умумий майдони 663 кв.метрга 2 қаватли бино	663	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-1 мавзесидаги	Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги	31.05.2015 №154	819 689 000	821 000 000	200 000 000

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи маъмурияти коллежда қуйидаги вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарларига танлов эълон қилади.

— Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари;
— Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари;
— Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари;
— Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари.

Директор ўринбосарларининг малака талаблари: Академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мингбулоқ кўчаси, 1б-уй. Телефон: 265-98-54.

Спорт янгиликлари

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Россиянинг Омск шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда ўзбекистонлик чармқўлқоп усталари муваффақиятли қатнашди.

Мусобақада мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Хитой, Мўғулистон, Афғонистон, Арманистон ва Қозоғистондан 80 нафарга яқин боксчи ғолиблик учун куч синашди.

Ўнта вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси иккита олтин, учта кумуш ва битта бронза медалга эгалик қилди.

Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Сулаймон Латипов финал учрашувида мезбонлар вакили Дамир Хикматуллинни, 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Улуғбек Дўстмуродов хитойлик Мамет Абдраимни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ўз вазн тоифаларида финалга чиққан Мироншоҳ Иброҳимов, Алиёр Норалиев, Улуғбек Мубинов кумуш медалга лойиқ кўрилган бўлса, Ҳасанбой Латибохуновга бронза медаль топширилди.



СПОРТ ФЕСТИВАЛИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТДИ

Мамлакатимиз ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг ассоциацияси миллий терма жамоаси Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Бутунжаҳон жанговар санъатлари фестивалидан қайтиб келди.

Жанубий Кореянинг Чеонгжу шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда Аҳмет Алимбеков ва Мухторжон Ҳожимуродов бронза медали соҳиби бўлди. Мусобақаларда фаол иштирок этган Баҳодир Юнусов ва Фазлиддин Ваҳобов ҳам бронза медали билан тақдирланди.

Айниқса, фестиваль давомида Мухторжон Ҳожимуродовнинг чорак финалдаги жанги анча вақтгача мухлислар ёдида қоладиган бўлди. Вакилимиз бир неча маротаба ўзининг аниқ зарбалари билан рақибини саросимага солиб қўйди. Қолган спортчиларимиз ҳам барча жангларда маҳоратларини намойиш этишга ҳаракат қилишди.

Республика шахмат федерацияси залида 8, 10 ва 14 ёшлилар ўртасида мамлакат чемпионати учун саралаш баҳслари ўтказилмоқда.

ШАХМАТЧИ БОЛАЛАР БАҲСЛАШМОҚДА

4-турдан сўнг, 8 ёшгача бўлган болалар ўртасида Достон Бахруллаев (Самарқанд) ҳамда Фародис Воҳидов (Тошкент) 4 очколик натижа билан етакчилик қилмоқда. 10 ва 14 ёшлилар ўртасидаги баҳслар ҳам қизғин тус олган. Бу гуруҳда уч киши 3,5 очко натижа билан олдинда бормоқда: Довудхон Тожиев, Миразизбек Эргашев, Довудхон Сулаймонов. Ушбу ёш шахматчиларнинг барчаси Тошкент шаҳридан.

Таъкидлаш жоиз, мусобақа давомида оқ доналар билан ҳаракат қилаётган шахматчилар яхшироқ натижа кўрсатишмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ташкилотлар ва корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкиллаштириш ва объектлардаги ёнғинга қарши ҳолатни таъминлаш мазкур муассаса раҳбарларига юклатилади.

Хўжалик ёки корхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари ўзларига тегишли объектларда ёнғинга қарши барча тадбирларни тўлиқ амалга оширишни таъминлаши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ёнғин муҳофазаси ташкилотларининг кўрсатмалари ҳамда қарорларининг бажарилишини назорат қилиб боришлари, ёнғин-қоровул муҳофазасини, ёнғин-техник комиссиясини ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматларини ташкил этишлари, уларнинг иш фаолиятларини доимий назорат қилиб боришлари даркор.

Тоҳир ЯДГАРОВ,
ЁХБ 12-ХЁХО 4-ХЁХ
алоҳида пост катта инспектори,
сержант

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотга тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим. Ҳамшаҳарларимизга қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

– очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг;

– электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутинг ва носоз ҳолда қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланманг;

– белгиланган жойларда чекиш кераклигини унутманг.

Мазкур қоидаларга риоя қилиш орқали биз уйимизни, йиллаб йиққан мол-мулкимиз, уй-жойимизни, қолаверса яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраган бўламиз.

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлаб, Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишига масъулмиз. Нега ҳаётга талпинаётган мурғак гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офат ҳисобланади. Олов ҳеч ким ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар куни содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсоннинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Акбар АЛИМЕТОВ,
24-ХЁХҚ кичик инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали табиий газ учун нархларни 2016 йил 1 октябрдан ўзгариши ҳақида маълум қилади.

ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР (АҲОЛИ):

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 13 сентябрдаги
РЕЕСТРИ №19-03-22-06-ЎзР-56-2016
2016 йил 1 октябрдан жорий этилади

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.
2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситгич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43м^3/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.

8. Автоном сув иситгич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пиширш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
9. Ушбу прейскурантнинг "Умумий кўрсатмалар"и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.
10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2016 йил 16 мартдаги, реестр № 19-03-22-06-ЎзР-7-2016) нархлар ўрнига 2016 йил 1 октябрдан жорий этилади.

1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

Т/р	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1.	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м^3	2 461,00
1.2.	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ:			
	- овқат пиширш ва иссиқ сув таъминоти учун	-«-	10 м^3	4 255,90
	- иситиш учун	-«-	10 м^3	1 973,70

2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги бўйича тариф тўлови (сўм)	
			Йиллик *):	Ойлик
2.1.	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пиширш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0 м^3	56 178,00	4 681,50
2.2.	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминот йўқ уйларда овқат пиширш газ плиталари	-«- 15,0 м^3	76 606,20	6 383,85
2.3.	Марказий иссиқ сув таъминот бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар	-«- 16 м^3	81 713,40	6 809,45
2.4.	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Иситиладиган хонанинг 1 м^3 учун		
	- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Хонанинг 1 м^3 учун 6,0 м^3	5 921,00	1 184,20
	- Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	Хонанинг 1 м^3 учун 5,76 м^3	5 684,25	1 136,85
2.5.	Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларга озуқа тайёрлаш	Бир бош:		
		отга 5,6 м^3	28 599,60	2 383,30
		сигирга 23,7 м^3	121 038,00	10 086,50
		қўй (эчки)га 2,2 м^3	11 235,60	936,30
		чўчқага 12,5 м^3	63 838,80	5 319,90

*) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

Эслатма: Чакана истеъмолчилар (аҳоли) томонидан 2016 йил 1 *октябргача* сарфланган газ ҳақи ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2016 йил 10 *октябргача* эски тариф (1 м^3– 226,00сўм) ҳисобида тўланади. 2016 йилнинг 1 *октябридан* бошлаб сарфланган газ ҳақи тўлови янги тариф (1м^3- 246,1 сўм) бўйича амалга оширилади.

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА (ШУ ЖУМЛАДАН ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИГА) ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЛГУРЖИ НАРХИ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 13 сентябрдаги
РЕЕСТРИ №19-03-22-06-ЎзР-57-2016

2016 йил 1 октябрдан жорий қилинади

Товарнинг номи ва қисқача техник таснифи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги бўйича улгуржи нарх (қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, сўм)
Улгуржи истеъмолчиларга(шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ	1000 куб метр	246100

Эслатма:
1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъий назар ягона ҳисобланади.
3. Мазкур реестр жорий қилиниши билан, 2016 йилнинг 16 мартидаги 19-03-22-05-ЎзР-8-2016 сонли улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналар) учун табиий газнинг улгуржи нарх реестри ўз кучини йўқотади.

"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АТ Халқ банки Яшнобод филиали Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, 2-Авиасозлар, 65-уй манзилида жойлашган "Авиасозлар" мини банки биносини (89 544 089) сўмлик капитал таъмирлаш ишларини 60 кун муддатда фойдаланишга топшириш шарти билан ишбилармон ва тадбиркорларни 30 сентябрь 2016 йилда бўлиб ўтадиган эркин танлов савдоларига таклиф қилади.

Манзил: Яккасарой тумани, Ш.Руставелли кўчаси, 9-А-уй.

Тел: 202-50-50.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 сентябрда** ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 сентябрь** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 21 сентябрда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 18.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ